

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1986 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 82 (5. 973) • 1986 йил 9 апрель, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.



Камтарга камол. Бу гапини маъносига тушунайдиган кишилар бўлмас керак. Бирок, баъзи инсонларнинг умр — мазмун асоси мана шу икки сўздан иборат эканлигини ҳамма ҳам тушуниб етмагандай. Шундай одамлар бўладик, бугун ҳаёти давомида камтарлик билан яшашди. Даврларда камсуқум бўлишди, бошқаларни ўзларидан устун қўйишди. Учрашув ва йиғилишларда кам гапираришди-ю, соф сўзлашди. Хеч қачон бажармаётган ишларини рўнақ қилишмайди. Меҳнатнинг оғирлигидан нолишмайди. Ютуқлар билан маърурланмайди. Улар ҳаммаша икки нарсани — ишқона-ю, уйни билишди қолос.

Сиз суратда кўриб турган Абдувоҳид Абдураҳмонов ҳам ана шундай кишилар тоифасига кириди. «Ўзавторемонт» республика ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 10-авторемонт заводида 22 йилдан бери фидойи ишчи қилган ва камсуқумлиги билан бошқалардан ажралиб турган. — Камтарлик кишини камолга етказадиган сўз бежиз айтилмаган экан, — дейди у. — Мен бунга ҳаётим ислоҳида яна бир бор юракдан ҳис этдим. Умримда нимагача эришган бўлсам ҳаммаси камтарлик ва ҳалол меҳнатим туфайли бўлди. Абдувоҳид Абдураҳмонов — корхона машъали. «Меҳнат шухрати» ордени кавалери. Бешинчи разрядли токар. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ерлигини икки марта қўлга киритган сазовор бўлган ишчи. 21 йилдан бери КПСС аъзоси. Собир Раҳимов район партия комитетининг аъзоси. Т. Каримов фотоси.

КПСС XXVII съезди қарорлари ҳаракатимиз программаси

19 апрель — Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик куни

МАШИНАСОЗЛАР ҒАЙРАТИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»НИНГ ЎЗ МУХБИРЛАРИ ВА ЖАМОАТЧИ МУАЛЛИФЛАРИ ЕЗАДИЛАР



АНЪАНАГА БИНОАН

Тошкентдаги 10-авторемонт заводида доҳимиз В. И. Ленин туғилган кун муносабати билан ўтказилган коммунистик шанбалик йил сайин катта анъанага айланиб бормоқда. Шу кунга завоҳд территориясида ишчилар вазири ҳужумор бўлиб, кишилар бутун ижтимоиятларини нига солган ҳолда ўз жойларида меҳнат қилишди. Корхона аҳли «Қизил шанбалик» кунини чинакам меҳнат байрамига айлантириш учун шу кунларда қатор тадбирлар планини ишлаб чиқмоқда.

Ишчилар аҳди

Лак-бўёқ заводи Куйбишев районидagi йирик саноат корхоналаридандир. Бу ерда тайёрланаётган турли-туман бўёқлар, лак ва эмаллар республикамиздаги ва ташқаридаги ўнлаб адресларга юборилайти.

Машинасозлар ғайрати

«Ташсельмаш» заводи пойтахтимизнинг йирик корхоналаридан бири ҳисобланади. Бу коллектив қишлоққа оталиқ ёрдами йил сайин кучайтириб келмоқда. Утган йили завод меҳнат аҳли республикамизнинг пахтакор хўжаликлари учун қўллаб пахта териш машиналарини жўнатган эди. Улар ёрдамида минглаб хўжаликларнинг пахталари териб олинди. «Зангори кема» даргалари завод коллективининг бу оталиқ ёрдамида бениҳоя миннатдор бўлдилар.

Тежалган хом ашё ҳисобига

«Матбуот» полиграфия меҳнат байрами кунинда корхонанинг кўнгина ишчилари одатдагидан унумли ишлашга аҳд қилишган. А. Зияев, О. Мўйинов, Ж. Ниязов ҳаммаёвлар бошчилик қилаётган бригада коллективлари эса шу кунги икки норма бажаришга сўз беришди.

Курилиш майдонларида

Коллектив В. И. Ленин туғилган кунининг 116 йиллиги шарафига Бутуниттифоқ шанбалик ўтказиш буйича Москвадаги илғор саноат корхоналари бошлаган ташаббусин ҳам районда биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади.

Пешқадам коллектив

«Главашкентстрой»нинг бестрега қарашли 47-қурилиш бошқармасининг А. Раҳмонов, М. Йўлдошев, М. Мирраҳимов, Я. Собиров каби комсомол-йиллари смена топшириқларини мунтазам равишда ортиги билан адо этиб, ўз ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда. Сўзи билан ишчи бир бўлган бу коллектив биринчи квартал планини ортиги билан адо этди. 35 минг сўмлик дурадгорлик ишлари бажарилиди.

Институт кенгаймоқда

Тошкент зонал экспериментал лойиҳалаш илмий тадқиқот институтининг бағри ўзинга хос сўлим оромоғи. Коллектив ана шу масканга янада гўзаллик бахш этини мақсадида 19 апрель кунини бўладиган коммунистик шанбаликда енг шимариб меҳнат қилишга бел боғлади. 500 киши 10 гектардан зиёд территорияни ораста қилди. Гулзорлар ташкил этди. Гул ва мева дарахти кўчатларини ўтказди.

Мусобақа асосида

Тошкент Советининг 50 йиллиги номи вагон-ремонт заводи коллективи «бу йил 144 та трамвай, 88 та троллейбус вагонини ремонт қилиб бериш мажбуриятини олган.

ТАРАДДУД

Доҳимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 116 йиллиги муносабати билан ҳамма жойда умумхалқ ҳашари — Коммунистик шанбалик тараддуди кўришмоқда. Ана шу умумхалқ ҳашарида Собир Раҳимов районидagi «Янги турмуш» маҳалла аҳли ҳам беконидил қатнашди.

Ҳамкорлик туфайли

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси Мухасислар республика Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари билан ҳамкорлик қилиб янги электрон-ҳисоблаш техникаси асосида бошқаришнинг автоматик системасини тadbқиқ қилишга киришилди.

Республиканинг бош виставкасида

«Матбуот» полиграфия меҳнат байрами кунинда корхонанинг кўнгина ишчилари одатдагидан унумли ишлашга аҳд қилишган.

Чиқиндидан тайёрланади

Линолеум, поливинилхлорид кувурлар, шланг, сунтий тери ва баъзи қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда ёнгисилотаси ва феноли буюмлар қўшилмаси кенг ишлатилади. Институтда яратилган янги технология бу қўшилмаси ёнгисилотаси ва феноли буюмлардан тайёрлаш мумкинлигини исботлади.

Алпо, редакциями?

Савдо ходимларига саволларингиз борми?

«Оқшом» газеталари редакцияси ҳар кунги газетхонлардан қўллаб мақтублар олади. Бу мақтубларда меҳнат коллективларининг ишлари, ишлаб чиқариш ташкил этиш ва уни ривожлантиришнинг яхшилаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, хўжасизлик ҳолларига барҳам бериш ҳақида сўз боради.



Жадаллаштириш — бош вазифа

ПАРТИЯМИЗНИНГ бўлиб ўтган XXVII съезди қарорлари, партия Марказий Комитетининг съездега Сийёсий доклады узоқ давр халқ ҳужжалигининг барча тармоқларидаги меҳнат коллективларига машғул бўлиб хизмат қилади.

Айниқса докладыдаги йирик, ўрта ва майда корхоналар ишини оқилона уйғунлаштириб бориш бўйича айтилган фикрлар диққатга сазовордир. «Тажриба шунини кўрсатдики...» дейиладиган докладыда, — техника билан яхши жиҳозланган кичик корхоналар кўп ҳолларда ўз афзалликларига эга бўладилар. Улар технологияни янгиликларини, талабнинг ўзгаришини тезроқ ва тухтароқ ҳисобга ола билдилар, кам миқдорда ва доналаб чиқариладиган маҳсулотларга бўлган талабларини оперативроқ қондира оладилар...

Бу фикрлар одилоналигини «Узрёмшина» ишлаб чиқариш бириктирилган корхонадаги 9-шина ремонт заводи мисолида кузатиш мумкин. Бу атиги 109 киши ишлайдиган кичик корхонадир. Лекин бу катта бўлмаган корхонанинг қилаётган ишлари аҳамияти каттадир. Корхона энгил ва юк автомобилларининг шиналарини ремонт қилиш билан шугулланиши номидан билини турибди. Шинаси ёйилиб кетган юк автомобилларини кўз ўнгингизга келтиринг. Табиийки, ҳаракат хавфсизлиги нуқтаи назаридан бундай автомобилдан фойдаланиш мумкин эмас. Демак, машина бекор туради, бу эса иқтисодий жиҳатдан зиёндор. Шу сабабли Тошкент шаҳар ва Тошкент ободига барча автокорхоналар ишдан чиққан мингглаб шиналарини шу заводида юборишади. Бу ерда шинага иккинчи ҳаёт башу этилади.

Бироз кечиниб қиламиз. Жадаллаштириш деганда биз иқтисодий ўсиш суръатларининг орттишини тушунамиз. Аммо фақат шунгина эмас. Жадаллаштиришнинг моҳияти — фан-техника тараққиёти асосида ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсификациядан иборат.

Бу шароит янги типдаги ҳужжали раҳбарини — кенг билим доирасига эга бўлган, саноат ишлаб чиқариши эконимикасини яхши биладиган, ишлаб чиқаришни интенсификацияни аҳамиятини яхши тушунадиган, шунингдек ишлаб чиқаришнинг фан билан алоқасини мустаҳкамлашга интиладиган раҳбар бўлишини талаб этади. Шу маънода «Узрёмшина» ишлаб чиқариш бириктирилган корхонада тажрибали, давр талабларини яхши тушунадиган кишилар раҳбарлик қилади, деб бемалол айти олиш мумкин. Бу ерда ишлаб чиқаришнинг фан билан алоқасининг аҳамиятини яхши тушунилади. Шу билан асосий вазифа бўлган корхонани реконструкциялаш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга ёрдам берадиган конструкторлик ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилганга интилади.

ЗАВОДНИНГ реконструкция қилишда Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрининг лойиҳа-конструкторлик технология бюросига мурожаат қилинди. Лойиҳа-конструкторлик технология бюроси инженерлари ва лойиҳаловчилари корхонага катта амалий ёрдам беришди. Компирессорлик участкаси биносининг лойиҳаси тузилди. Шунингдек маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системаси лойиҳалаштириди. Бир пайтнинг ўзиде янги техникани жорий этиш масаласи ҳал этилди. Аниқ мақсадни кўзлаб изчил иш олиб бориш натижасида индустриал вулканизаторлар, резина-техника буюмлари участкаси учун ускуналар жорий этилди. Турганда турт қаватли буг пресси, 2 та силлиқлаш станогни, 23 та резина-техника буюмлари тайёрлаш бўйича участка ташкил этилди. Автомашиналар учун тасмалар тайёрлайдиган технология ускунадан беш комплект жорий этилди.

Янги техникани жорий этиш биринчи навбатда меҳнат

унумдорлигини ўстирди, техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилишида қўл келди. Шундай қилиб 9-шина ремонт заводида бош вазифа: фан-техника тараққиёти асосида ишлаб чиқаришни интенсификация вазифаси ҳал этилди. Бунда меҳнатни ташкил этишни яхшилаш билан боғлиқ яна бир вазифа ҳал этилди. Бу ерда гап ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бригада усули ва иш жойларини аттестациялаш устида бораётган. Аттестациялаш натижасида технология ускуналарининг жойлаштирилиши кескин яхшиланди, маълум даражада технология жараёнининг конвейерлашуви таъминланди.

Фан-техника тараққиёти асосида ишлаб чиқаришни интенсификация завод эконимикасига ижобий таъсир кўрсатди. 1986 йилнинг январь-февраль ойларини олайлик. Бу даврда 354 минг сўмлик товар маҳсулот тайёрланди. Бу пландагидан 12 минг сўмлик кўп. Меҳнат унумдорлиги — бир киши ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот — пландаги 4.222 сўмлик ўрнига аслида 4.370 сўмликни ташкил этди. Планга қўшимча 67 минг сўм фойда олинди. 14.785 та шина ремонт қилиниб, топшириқ 112 процент адо этилди. Маҳсулот таннархи арзонлашди. Ўтган йил учун белгиланган план ва мажбуриятлар муваффақиятли адо этилди.

КОРХОНА рационализаторлари зўр фаолият кўрсатишарди. Улар жами 205 та таклиф киритишди. Бу таклифларнинг жорий этишдан олинган самара 70,3 минг сўмни ташкил этди. Айниқса К. Машарипов, З. Қосимов, А. Ним ва бошқа рационализаторлар киритган таклифлар самарали бўлди.

Бу йил Тошкент шина ремонт заводи коллективи олдида 2 миллион 84 минг сўмликдан зиёд ҳажмда товар маҳсулот ишлаб чиқариш планлаштирилган. Бу 1985 йилдагидан анча кўпдир. Аммо коллектив дадил олга боришга аҳд қилган.

ЖАДАЛЛАШТИРИШ биз учун қўруқ сўз эмас, корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари, иқтисодчиларнинг умумий ташвиши бўлиб қолди. — деди биз билан суҳбатда бириктирилган директор З. Қарим-беков. — Улар корхона эконимикасининг юксалишини таъминлаш, уни юксалтиришни жадаллаштириш учун илҳом билан ишлашарди. Жадаллаштириш бундан буён ҳам техника ва илгор технологияни жорий этиш билан қўшиб олиб борилади. Биз бундан буён ҳам Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрининг технология бюроси билан мустаҳкам алоқани давом эттирамиз. Бошқа республикалардаги шина ремонт заводи корхоналаридаги илгор тажрибаларни ўрганамиз.

Бугун завод коллективи ўйлаш корхоналар ўртасидаги мусобақадар пешқадамлар сафига бораётган. Унинг фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришни жадаллаштириш тажрибаси кенг ёйишга муносибдир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев партия XXVII съезди ёпилишида сўзлаган нутқида шундай деди: «Жадаллаштириш, турмушимизнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар — шунчаки шир бўлмай, балки партия қатъиян ва оғишмай амал қилиб борадиган йўлдир».

Партиянинг бу талабини шаҳардаги барча саноат корхоналари коллективлари ҳақта татбиқ этиш учун кураш олиб боришлари керак. Чунки бугунги кунда жадаллаштириш энг муҳим вазифадир. Буни унутмаслик керак.

А. БУРХОНОВ.

Мамлакат заводлари ва қурилишлари учун

Ўрта Осиё электроаппаратлари ишлаб чиқариш бириктирилган корхонасининг меҳнаткашлари коммунистик шанбалик қунида тайёрланган электро-техник қурилмаларни мамлакатнинг турли жойларига юбордилар. Коллектив москваликларнинг ташаббусини қувватлаб, зиммасига юксак мажбуриятлар олди. Қуриладиган гидроэлектростанциялар ва иссиқлик электр станциялари учун 180 та электрочит қурилмалар, рақамли программа билан бошқариладиган станоклар учун приборлар, пакет переключателлар, реле аппаратлар ва бошқа маҳсулотларни юз минг сўмлик миқдорда тайёрлашга қарор қилинди.

да эса бригаданинг барча аъзолари ана шундай кўрсаткичга эришишга аҳд қилишган. Коллектив шу йилнинг уч ойлик топширигини икки ярм ойда бажарди.


СУРАТДА: [чапдан-ўнганга] бригадир Л. А. Ахмадиева ва бригаданинг пешқадам ишчиларидан Азиза Чўлпева.

В. Сироткин фотоси.

Жонажон Ватан бўйлаб

• Янгиликлар

ЛЕНИНГРАД. Ленинградда тузилган компьютер тармоғи олимлари экспериментлар тайёрлаш ва анализ қилишга доир ижодий бўлмаган ишлардан холи қилиши керак. У бир қанча илмий марказларнинг лабораториялари билан СССР Фанлар академияси Ленинград информатика ва автоматлаштириш институтининг кучли ҳисоб комплексини боғлади. Бу система мана шу ерда ишлаб чиқилди. Системадан фойдаланиш натижасида тадқиқотлар ўтказиш суръатларини ўрта ҳисобда ўн баравар тезлаштириш мумкин бўлади.



Туркманiston ССР, Туркманiston ССР Фанлар академиясининг «Кўш» илмий-ишлаб чиқариш бириктирилган ходимлари Бутуниттифот биотехника илмий-тектириш институти (Москва) олимлари билан ҳамкорликда молларнинг озуқа рационини бойтадиган куруқ хлорелла моддасини ишлаб чиқариш технологияли линиясини ишлаб чиқдилар.

Кўш системаси чўлининг олис бурчаклариде ҳам чўпонларга энг чуқур қудуддан сув чиқариш имконини бермоқда. Эндиликда узоқ-узоқлардан махсус сув чиқариб бериладиган двигателларни ташиб юришга аҳтмек қолмади. Бунинг иқтисодий самараси фақат ўтган беш йилликнинг ўзидегина миллион сўмини ташкил этди.

СУРАТДА: [чапдан-ўнганга] геолотехниклар Б. Арнагулєва, Г. Қурбонова ва П. Четевеллар кўш энергияси мосламасини синовга тайёрлашарди.

К. Муродов фотоси, ТАСС фотохроникаси.

• Воқеалар

ЧЕРКАССК. Черкасски районидаги илгари қоқоқ колхозлар иқтисодий жиҳатдан бақувват коллективлар даражасига чиқди. Бунга кўп жиҳатдан район партия комитети ишлаб чиққан «кадрлар» программасини амалга ошириш натижасида эришилди. Бу ерда раҳбарлар ва мутахассислар учун ҳужалик юритиш илгор методлари мактаби ташкил этилди. Мактаб тингловчилари база ҳужаликлариде стажировкадан ўтмоқдалар. Бу эса уларнинг ишлаб чиқаришни интенсификация масалаларини малакали ҳал этишларига имкон беради.

• Фактлар

ЖЕЛЕЗНОГОРСК-ИЛИМСКИЙ (Иркутск области). Сибирдаги шахар корхоналари ва мактабларида Александр Радищев хотирасига бағишланган суҳбатлар бўлиб ўтди. Шу баҳор кунлари бу ерда улғур рус революционер-ёзувчиси сургунни туғандан бери ўтган 190 йиллик нишонланмоқда. А. Радищев тайга — Илим дарёси ёқасида 5 йил сургунда бўлиб, илмий ва адабий фаолият билан, кичилик ишлари билан шугулланди. Район кутубхонаси, шахар кўчаларидан бири Радищев номи билан аталган. Анъанавий бўлиб қоладиган бу суҳбатларда Москва ва Иркутскилик адиблар, маҳаллий ўлкашунослар қатнашдилар.



Пенсионер

ҲИММАТИ

060335 сонли қивтанциини унга кириш кассасида беришди. Унда шундай сўзлар ёзилган: «С. М. Тобяс Тинчлик фондига пенсиясидан бир қисмини ўтказди». — Мен болалар уйида тарбияланганман. Етимлик нималигини яхши биламан. Юртимиз доимо тинч-осуда бўлишини орозу қиламан. Урушини номи ўчсин. Сукукли болаларимиз ҳар доим осуда яшасинлар. Юртимиздан фаровонлик, хуррам ҳаёт аримасин, — дейди С. М. Тобяс.

Семён Менделевич Тобяс Октябрь революцияси номидеги тепловоз ремонт заводининг кека ишчиси, партия аъзоси. Унинг Коммунистик партия сафига қабул қилинганига 50 йилдан ошди. У қариб 40 йил электрмашини цехида слесарь бўлиб ишлади. Ҳозир у некасагига қарамли, қадрдон корхонасига тез-тез келиб, жамоат ишларида қатнашади.

Отaxon яқинда ўзининг пенсия пулидан 50 сўминини Тинчлик фондига ўтказди.

А. БАҲОДИРОВ.



Комсомол аъзоси Замира Парпиеванованинг бидий буюмлар фабрикасига ишга келганига халқ кўп вақт бўлган йўл. Лекин у ўзининг тириқчилиги ва меҳнатсеварлиги туғайли коллективда катта обрў қозонди. Унга катта ишчи билдириб бригада бошлиги этиб тайинлашди. Ҳозир Замира бошқараётган коллектив корхонада энг пешқадамлардан ҳисобланади.

Х. Мирзақаримов фотоси.

Куюнчаклик билан ёйилган...

Хадрага бир қаранг...

«Хадра» майдони реконструкция қилиниб, бу ерда ер ости йўли бунёд этила бошлангани ҳамшаҳарларимизни ниҳоятда мамну этган эди. Мана, қурилиш ишлари бошланганига ҳам беш йил бўлиб қолди. Бироқ ҳанузгача мазкур объект фойдаланишга топширилгани йўқ. Ишлар ўлда-жўлда. Чикридилар, темир-бетон уюмлари майдон хуснига доғ бўлиб, шахарнинг умумий манзарасига путур етказмоқда. Ободонлаштириш, пардозлаш ишлари ҳеч кимнинг хаёлига келмайди, улар чала-чулпалитча қилиб кетмоқда. Ортигича қурилиш материаллари, очиқ канализация қудуқлари, автомобиль шиналарига ҳар қадамда дуч келишини мумкин. Дуч келмасизу дарҳол ўйланиб қоласиз: бу ишларни ниҳоясига етказишни ўйлайдиган, куюнадиган бирор ташкилот ёки мутасадди раҳбар борми?..

Ҳа, бор. Мана улар: беш пудратчи Тошкент шахар қурилиш Бош бошқармасининг 11-«Восстррой» трестига қарашли 76-қурилиш бошқармаси, ёрдамчи пудратчи «Мостстрой» трести, «Отделстрой»нинг 28-қурилиш бошқармаси ва


«Таштранспецстрой»нинг 2-қурилиш бошқармаси. Қаранг-а, шунча азамат ташкилотлар бириктирилган «арзимаган» майдонда қурилиш ишлари чалагитча қилиб кетса... Бу нима деган гап? Тошкентде; шахри азинининг қурувчиси деган шарфли ном қардер қолди?

Ҳозир «Хадра» майдони тегасида мусича юрса ҳам қўқилиб юради. Цирка келадиган болаларнинг-ку ҳолиг. Улар бу ерда альпинизмининг илк абадларини ўташади.

Хўш, бу аҳвол шундайлигича қилиб кетаверадими? Бир ойлاردан кейин шахримизда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг халқаро киноанжумани бўлади. Пойтахтимизга ташриф буюрган меҳмонлар бу манзарани кўриб нима дейишаркин?

СУРАТЛАРДА: «Хадра» майдонининг бугунги «кўриниши».

Х. Шодиев фотолари.



Қатъий норозилик

◆ ФАРБИЙ БЕРЛИН.

Фарбий Берлиндаги Вильмерсдорф, Шарлоттенбург ва Штеглиц районлари аҳолисида ўн минглаб киши маъмуриятнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги антицинал сибастига қарши қатъий норозилик аъдор этди. Улар шахар сенатига ва депутатлар палатаси (шаҳар парламенти)га йўллаган аризономасида соғлиқни сақлаш ахтиёжлари учун ажратилган маблағларнинг кескин равишда камайирилганлиги натижасида шахардаги касалхоналарда шифолар ва медицина асбоб-ускуналари етишмапти, қўлтича касалхоналар ва поликлиникаларнинг буюмлари шонлиқ равишда ремонт қилиниш талаб этади. Айни вақтда сенат малакали медицина ходимларини янги ишдан бўшатмоқда, шахарнинг барча районларидаги касалхоналарнинг қўлтича бўлимларини ва бутунбутун касалхоналарини ёпиб қўймоқда.

Шаҳар маъмуриятининг бундай ҳаракатлари деб таъкидланади арноамада, шахсий клиникалар галларининг манфаатларига нисбатан мос келмайди. Улар христиан-демократия иттифоқи ва эркин демократик партия ҳужумрон буржуа партияларининг маддидан фойдаланиб, медицина хизмати кўрсатиш ҳақини доимо оширмоқдалар.

◆ САН-ФРАНЦИСКО.

Сан-Франциско марказида «Ядровий синовлар тўхтатилсин» — АҚШнинг милитаристик йўли — дунёда тинчликни хавф хатардир» деган ширлар остида намойиш бўлиб ўтди. Тинчлик кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотларининг ташаббуси билан ўтказилган бу

Оммавий МИТИНГ

◆ КОБУЛ.

Демократик Афғонистон пойтахтида АҚШ яна ядро куроли синовларини ўтказганлигига қарши оммавий норозилик митинги бўлиб ўтди. Митингда студентлар, мактаб ўқувчилари, корхоналарнинг ишчилари қатнашдилар. Афғонистон демократик ишлар ташкилоти Марказий Комитетининг халқаро алоқалар билан шугулланувчи секретари Сахи Маргон митингга сўзга чиқиб, бундай деди: АҚШ Невадада ядро қурилмасини яна синов қилиш мақсадида портлатиб, халқаро ҳамжамиятга дағдаға қилди, «милитардлаб» ишчиларнинг орозу-умидларини писанд этмади. Митинг қатнашчилари қабул қилган баёнотда Қўшма Штатларнинг ядро куроллари поёғасини тўхтатишдан бош тортанлигини қораладилар.

намоийш қатнашчилари Оқ уй, ни дарҳол Совет Иттифоқидан ўрнак олиб, ҳамма-хил ядровий портлатишларни тўхтатиб қўйишига даъват этдилар.

◆ ЛА-ПАС.

Бу ерда Волиния жамоатчилигининг оммавий митинги бўлиб ўтди. Митинг қатнашчи.

ДУНЁ ХАВАРЛАРИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЕЗДИЛАР

Жаҳон шаҳарларида



ОБЪЕКТИВДА — КУВАЙТ. СУРАТЛАРДА: Кувайтнинг пойтахтида [чапда] бунёд этилган йирик туристик комплексни кўриб турибсиз. Миллий [ўнганда] ТАСС фотохроникаси.

Сўнги соатда

◆ РИО-ДЕ-ЖАНЕРО.

Рейтаниннг Никарагуага нисбатан ўтказётган ибсати бутун дунёда тобора кўпроқ танқид қилинмоқда, деб ёзади Бразилияда чиқадиган «Глобу» гаега. АҚШ президенти таъиз ўтказишнинг ҳамма восаларини ишга солиб, Америка конгрессининг Ниарагуа контрастарига ҳарбий ёрдам бериш учун янгида кўп миллионлаб маблағ ажратнишга розилигини олишти уринмоқда. Бунда у каллесарларни «Демократия учун чинаяк курашчилар» қилиб кўрсатишга уринмоқда.

◆ МЕХИКО.

Мексикада ўтмишдаги диктаторлик режими оғир оқибатларини тгатиш учун, мамлакатда таъқлаб қўйилганга қарамай, ҳамон қурилиш ишлари ўн гуруҳларнинг бешошқарига чек қўйиш учун крашаётган Гватемала халқ билан бирдамлик ҳафалиги бошланди. Сўл сийёсий партиялар ва илгор студентлар ташкилотлари ўтказган ҳафталик давомида, жумадан, ҳозирги граждн хушмати ҳокимият тегасига келунга қадар Гватемалада хушронлик қилган реакция ҳарбийлари ва «ажал эскдронлари»нинг жиноятлари ҳақида ҳижоа қилувчи фоқургазма ташкил этиш сўзда тутилган.



Миллий [ўнганда] ТАСС фотохроникаси.

